

Фиқҳ дарслари (38-дарс). Ҳозирда ёзилаётган фиқҳий китоблар



18:30 / 21.06.2019 6160

Замон ўтиши билан эски китобларни тушуниш қийинлашиб борди. Бунга бир қанча сабаблар бор. Жумладан, одамларнинг диний билим савияси пасайгани, тилда юз берган ўзгаришлар ва бошқалар. Ўз-ўзидан, диний китобларни замонавий услуб ва тилда янгитдан ёзиш зарурати ўсиб борди.

Ҳижрий ўн учинчи асрнинг иккинчи ярми ва милодий йигирманчи асрнинг биринчи ярмида исломий илмларга оид китобларни янгича тарзда ёзиш йўлга қўйила бошлади. Ундан олдинги даврда мусулмон олами бошидан кечирган тушкунлик ҳолати ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби, исломий илмлар соҳасида ҳам қоқоқликка олиб келган эди. Одамлар бир неча юз йиллар олдин ёзилган китоблардан фойдаланишарди. Бу эса мазкур китоблардан фақат уларни ўрганишга умрини бағишлаган

кишиларгина манфаат оладиган ҳолатга олиб келди. Диний ўқув муассасаларида ҳам маълум китоб йиллар давомида ўқитилар, кишиларнинг кўплари учун ўша дарсда устознинг ёрдами ила ўзлаштирилган китобдан бошқа китобларни ўқиши ва уқиши ҳам қийин иш ҳисобланар эди.

Миллий озодлик ҳаракатлари бошланиши билан бирга, илмга, шу жумладан, диний илмларга ҳам эътибор янгиланди. Замона тили, услуби ва руҳидаги китоблар зарурлиги давр талабига айланди. Бу ишни амалга оширишга енг шимарган кишилар етишиб чиқди. Ҳамма мусулмонлар учун ниҳоятда аҳамиятли бўлган бу хайрли ишда мисрлик уламолар етакчилик қилдилар.

Тафсир, Улумул Қуръон, Улумул Ҳадис, Ақоид ва бошқа соҳаларда кўплаб янги ва яхши китоблар таълиф қилинди. Албатта, янги китобларни ёзишда қадимги китоблар асос қилиб олинар эди. Бу китоблар диний илмларни чуқур ўрганишга бел боғлаганлар учун бироз енгил бўлса ҳам, зиёлилар, оддий мўмин-мусулмонлар учун фойдали ва тушунарли бўлишига эътибор берилар эди. Энг муҳими, уларда янги замон руҳи, тушунчалари, муаммолари ва уларнинг ечимлари ҳам ўз ўрнини топар эди. Бу иш ривожланиб, бошқа мусулмон ўлкаларга ҳам аста-секин тарқала бошлади.

Ислом фикҳига оид китобларга келганда, бу иш бироз кечроқ бошланди. Эҳтимол, бунга «Ижтиҳод эшиги берк», деган ҳукм таъсир қилган бўлса керак. Агар фикҳ борасида ҳозирги замонда ёзилган китобларга назар соладиган бўлсак, Усулул Фикҳ, Фароиз ва молиявий муомалалар бобида бошқа турдаги китобларга кўзимиз тушади. Улардан баъзилари билан танишиб чиқамиз.

«Фикҳий йўналишлар ва китоблар» китобидан